**Савелева Лариса Владимировна** — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Салоҳидинов Икромжон Олимжонович** — Фарғона вилояти Қўштепа тумани ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Сангиров Максиммурот Махрамович** — Жиззах вилояти Бахмал тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Таирова Мадина Акбаровна** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси кафедраси мудирининг ўринбосари

**Тўраев Рўзим** — Хоразм вилояти Шовот тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

**Турғунова Нодира Мухтаралиевна** — Фарғона ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

**Турсуналиев Ахрор Ахмаджонович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хайдаров Камолиддин Шаробидинович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Худайбердиев Бахтиёржон Толибович** — Наманган вилояти прокурорининг ўринбосари

**Хужакулов Мамарайим Абдурайимович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Хусанова Фатима Усмановна** — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси

**Чориев Эргаш Эгамбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Шамсиев Нурали Зайдинович** — Навоий вилояти Хатирчи тумани давлат солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи

**Эгамбердиев Жавлонбек Хошимович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси гуруҳи командири

**Эгамбердиев Одилбек Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эгамов Бехзод Дониерович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи мутахассиси

**Эменов Фахриддин Мансурович** — Самарқанд вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Эшондедаев Ёдгоржон Гуламович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Юлдашев Гайрат Кувандикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинмаси бошлиғи

**Юсупов Уктамбой Абсамадович** — Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани прокурори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 25 август*

## ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

■ Шу кунгача йўловчилар Тошкент ва Бухоро ўртасидаги масофага темир йўл орқали 7-8 соат вақт сарфлаган бўлса, энди 3 соату 20 дақиқада ўз манзилларига замонавий поездларда ҳордиқ чиқариб етиб олишлари мумкин.








# «AFROSIYOB»НИНГ НАВБАТДАГИ МАНЗИЛИ БУХОРО

**Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» поездининг Тошкент — Бухоро йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ темир йўл транспортини изчил ривожлантириш орқали ягона миллий темир йўл тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Узоқ истиқболга мўлжалланган махсус дастурлар, лойиҳалар асосида ушбу соҳада кенг кўламлиислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йигирма беш йилда янги темир йўл линиялари барпо этилиб, асосий транзит участкалар реконструкция қилинди ва электрлаштирилди. Янги йўналишлар ташкил этилиб, янги йўллар, вокзаллар қурилди, мавжуд темир йўл вокзаллари таъмирланди.

Бундан беш йил аввал, истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда Тошкент — Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган «Afrosiyob» поезди қатнови йўлга қўйилди. Кейинчалик бу борадаги ишлар бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилди. 2015 йилда Мароқанд — Қарши темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари якунига етказилди ва «Afrosiyob» поезди Қарши шаҳрига қатнай бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 мартдаги «Самарқанд-Бухоро темир йўлини электрлаштириш ва юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ўтган йили Самарқанд — Бухоро йўналишидаги мавжуд темир йўл линияларини реконструкция қилиш, янги пўлат излар ётқизиш ҳамда электрлаштириш ишлари бошланди.

Мазкур йўналишдаги темир йўл 259 километр. Умумий қиймати қарийб 400 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи лойиҳа қисқа муддатда, яъни 16 ойда амалга оширилди. Мингдан ортиқ темир йўлчилар, қурувчи ва мутахассислар ҳар қандай об-ҳаво шароити ва табиат инжиқликларига қарамай белгиланган ишларни ўз вақтида, сифатли бажарди. 220 дан ортиқ замонавий техника ва механизм ёрдамида 16,2 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди. 146 километрлик Мароқанд — Навоий участкасида ер кўтарма ишлари амалга оширилиб, алоҳида янги темир йўл қурилди. Навоийдан Бухорогача бўлган масофада мавжуд пўлат излар тўлиқ реконструкция қилинди.

Темир-бетон таянчлар, туташтириш тармоқлари, кўндаланг металл мосламаларнинг ўз вақтида етказиб берилгани иш суръатини бир меъёрда ва кўзда тутилган муддатда олиб бориш имкониятини берди. Эътиборлиси, тармоқни электрлаштиришда ишлатилган 6 мингдан ортиқ темир-бетон таянчлари ва бошқа жиҳозлар маҳаллий корхоналар томонидан тайёрланган. Магистралнинг икки томонида 500 километрдан зиёд масофага металл тўсиқлар ўрнатилди.

Ушбу йўналишда 222 сунъий иншоот, жумладан, 1 пиёдалар ўтиш йўлаги, 4 йўл ўтказгич ва 4 кўприк қуриб битказилди. Поездларни доимий электр қуввати билан таъминлаш мақсадида ҳудудда 4 электр станцияси бунёд этилиб, замонавий техник жиҳозлар билан таъминланди.

Каттақўрғон шаҳрида бир йўла юз нафар йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга замонавий вокзал биноси қад ростлади ва бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланди. Узунлиги 400 метрни ташкил этувчи бетон платформа бунёд этилди.

Лойиҳа доирасида Бухоро вокзали замон талаблари даражасида реконструкция қилинди. Эски, кўримсиз бино ўрнида 300 йўловчига хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган муҳташам вокзал биноси қад ростлади. Мажмуада йўловчилар учун жаҳон андозаларига мос шароит яратиш мақсадида энг сўнгги русумдаги техник воситалар, замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Кенг, кўркам кутиш зали, чиптахоналар, она-бола ва тиббиёт хонаси барпо этилди. Юқори мартабали меҳмонлар ва сайёҳларни кутиб олиш, кузатишга мўлжалланган зал қурилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ушбу лойиҳа тўлиқ ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди ва 25 август куни Тошкент — Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи «Afrosiyob» электр поездининг илк қатнови амалга оширилди. Поезднинг дастлабки йўловчилари меҳнат фахрийлари, темирйўлчилар, Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари фаоллари ва ёшлар вакиллари бўлди.

— Поезднинг тезлиги юқори бўлса-да, вагонлар ичида ҳеч қандай тебраниш, шовқин сезилмас экан, — дейди «Навоийазот» акциядорлик жамияти бўлим бошлиғи Шуҳрат Жўраев — Мана, чой ичиб кетяпмиз. Пиёладаги чойнинг тўкилмай турганини кўриб, бир таблодаги поезд тезлигига, бир ойнадан ташқарига қарайман. Таблода тезлик — 250 километрни кўрсатмоқда. Ойнадан юртимизнинг гўзал табиати, обод бўлиб бораётган шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кино лентасидек ўтмоқда. Бир пайтлар армон, ушалмас орзу бўлган истакларимиз бугун мустақиллик туфайли, Президентимизнинг инсонпарвар сиёсати туфайли амалга ошмоқда. Халқимизнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш борасида доимий ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбаридан миннатдормиз.

25 август куни соат 8.00 да Тошкент шаҳридан йўлга чиққан поезд орадан 2 соат 8 дақиқа ўтиб Самарқанд темир йўл вокзалида вилоят жамоатчилиги томонидан тантанали кутиб олинди. Соат 10.30 да бир гуруҳ самарқандлик фаоллар қўшилган «Afrosiyob» поезди илк бор Бухоро томон йўлга тушди.

Шу кунгача йўловчилар Тошкент ва Бухоро ўртасидаги масофага темир йўл орқали 7-8 соат вақт сарфлаган бўлса, энди 3 соату 20 дақиқада ўз манзилларига замонавий поездларда ҳордиқ чиқариб етиб олишлари мумкин.

— Асли бухороликман, 30 йилдан буён Самарқандда яшайман, — дейди Самарқанд давлат университети профессори Шавкат Ҳасанов. — Баъзан дўстларимиз Бухородан Самарқандга поездда осилиб келиб, шу ерда қолиб кетгансиз, деб мутойиба қилишади. Икки қадимий шаҳар ўртасидаги масофа 300 километрга етмаса-да, ўша вақтларда шугина йўлни босиб ўтиш ҳам нақд азоб эди. У кунларнинг тарих бўлиб қолганига шукр. Мана, энди «Afrosiyob» Бухоро томон йўлимизни яна ҳам қисқа қилди. Бу поезд Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига халқимиз учун энг катта совға бўлди.

Самарқанд, Навоий вилоятларининг истиқлол байрами шукуҳи билан яшаётган шаҳар ва қишлоқлари, бепоён далаларидан елдек учиб ўтган поезд соат 11.40 да Бухоро темирйўл вокзалига етиб келди.

Бу ерда илк поезд ва унинг йўловчилари Бухоро вилояти фаоллари, кенг жамоатчилик томонидан тантанали кутиб олинди. Поезддан тушаётганларнинг тилида шукроналик, юз-кўзида ҳайрат ва қувонч. Барча бир-бирини табриклайди, таассуротларини изҳор этади.

Бухоро вокзалида Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган «Afrosiyob» поезди қатновининг йўлга қўйилишига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Абдуллаев, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси О.Раматов ва бошқалар барчани ушбу муҳим воқеа ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги билан муборакбод этди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз темир йўл соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари янги вокзал биноси, бу ерда йўловчилар учун яратилган шароитлар билан танишди. Вилоят марказидаги диққатга сазовор жойларга саёҳат уюштирилди.

Шу куннинг ўзида «Afrosiyob» поезди Бухородан Тошкентга қайтди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу лойиҳанинг фойдаланишга топширилиши натижасида темир йўл участкасининг ўтказиш имконияти 36 фоиз ошиб, эксплуатация харажатлари 36 фоиз камаяди. Ушбу йўналишда 200 дан ортиқ янги иш ўрни яратилган.

Мазкур йўналишда юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд қатнови йўлга қўйилиши билан юртимизда бундай поездлар ҳаракатланадиган темир йўллар узунлиги 700 километрдан ошди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Зокиров сўзга чиқди.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

■ ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

**Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари қошида фаолият юритаётган Жамоатчилик қабулхоналари электорат мурожаатларини ўрганиш ва уларга ечим топишда муҳим ўрин тутмоқда.**

# Мурожаат эътиборсиз қолмайди

Жамоатчилик қабулхоналарига шу йилнинг ўтган даври давомида фуқаролар томонидан 248 мурожаат тушди. Шундан 80 фоизи ижобий ҳал қилинди. Хусусан, 44 нафар фуқаро иш билан таъминлашда кўмак сўраб мурожаат қилган бўлса, уларнинг ҳозиргача 36 нафари ишга жойлашган. 8 нафарининг бандлигини таъминлаш бўйича иш олиб борилмоқда. 10 нафардан ортиқ фуқарога эса ўз ишини бошлаши учун имтиёзли кредит олишда ёрдам берилди.

Бугун ким мурожаат қилар экан, деб кутиб ўтирмасдан, одамлар орасига кириб бориш электорат манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали йўлидир. Шунинг учун жорий йилнинг ўтган даврида 13 марта кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилинди. Уларга фуқаролар томонидан 105 мурожаат бўлди.

Қабулхоналарга тушган мурожаатлар бўйича тегишли ташкилотларга 100 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилиб, аксарияти ижобий ҳал қилинди. Жумладан, депутат сўрови асосида Урганч туманидаги «Чоткўпир» қишлоғида сув қувурлари ётқизиляпти.

Банк пластик карточкалари орқали тўловни амалга оширишдаги муаммолар тўғрисида бўлаётган мурожаатлар ечимига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу масала юзасидан тушган мурожаатлар асосида халқ депутатлари Урганч туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи терминал тармоғи ва онлайн тўловлар тизимини янада кенгайтириш тўғрисидаги масалани атрофлича муҳокама қилди. Шунинг учун мазкур масала Урганч туман Кенгаши сессиясига олиб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинишига эришилди.

Айтиш керакки, Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларнинг аксарияти моддий ёрдам, иш билан таъминлаш, коммунал соҳа, ички йўлларни таъмирлаш масалалари билан боғлиқ бўлмоқда.

Ҳар ойда икки туманда Меҳнат бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, «Микрокредитбанк» ОАТБ, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бошқармаси, давлат солиқ бошқармаси ҳамкорлигида «Кучли ижтимоий сиёсат — халқ фаровонлиги ва жамият ижтимоий барқарорлигининг муҳим омили» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шу тариқа вақтинча ишсиз электорат вакилларига ҳуқуқий маслаҳат ва амалий кўмак бериляпти.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини такомиллаштириш учун мурожаатларни электрон шаклда ҳам қабул қилишни йўлга қўйиш, бу борада тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз зарур, деб ўйлайман. Чунки қанча кўп одам Жамоатчилик қабулхонаси ҳақида билса, муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беришимизга ишонса, партиямизнинг нафақат обрўси, балки таъсир кучи ҳам ошиб боради. Яқин кунларда вилоят кенгашининг сайтида онлайн қабул йўлга қўйилади.

**Нодира ОДАМБОЕВА,**
**ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши бўлим мудири.**

■ «ФАОЛ АЁЛЛАР ҚАНОТИ»

# «Танлов бизга катта мактаб бўлди»



*Фарруҳ АЛИЕВ олган сурат.*

**Давлат ва жамият ҳаётини демократлаштиришда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Партиямиз Сайловолди дастурида ҳам хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида муҳим вазифалар белгиланган. «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаоли» кўрик-танлови уларнинг ижросига хизмат қилмоқда.**

Танловнинг Миробод туман босқичида 5 нафар иштирокчи 3 шарт бўйича беллашди.

**«Қонунларимиз ҳаётимиз асосидир»** шартида иштирокчилар партиямиз электорати манфаатларига дахлдор қонунлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритишди. Шу билан бирга, партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини ҳам билдиришди.

**Иштирокчи Гавҳар Ашурова** меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, **Хонпошшахон Тўлаганова** Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларни шарҳлаб берди. Уларнинг қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлари барчанинг эътиборини тортди.

**■ Иштирокчилар партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклифларини ҳам билдиришди.**

Сиёсий ҳозиржавоблик шарти ҳам қизиқарли ўтди. Танлов қатнашчилари Конституциямиз, сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатлари, Олий Мажлис палаталари фаолияти ва партиямиз Сайловолди дастури, дунё тарихидаги машҳур сиёсатчи аёллар ҳақидаги ранг-баранг саволларга жавоб беришди.

— Савол-жавоб мен учун танловнинг энг қизиқ шарти бўлди, — дейди **Ҳаётхон Отабоева**. — Тайёргарлик жараёнида хотин-қизлар ҳуқуқларига оид кўплаб қонун ҳужжатларини ўргандим. Давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг ролини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари билан яқиндан танишдим. Танлов бизга катта мактаб бўлди, десам, адашмайман.

Иштирокчилар тақдим этган лойиҳалар партиямиз электорати манфаатларига қаратилгани, ҳаётий масалалар кўтарилгани билан аҳамиятли бўлди.

— Лойиҳам ёшларни спортга кенг жалб этишга қаратилган, — дейди **Дилдора Ортиқова.** — Бунда асосан кам даромадли оилалар фарзандлари, тарбияси оғир болаларни спорт тўгаракларига жалб қилиш масаласи илгари сурилмоқда. Ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом, баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг маънавиятини бойитиш олдимизда турган долзарб вазифалардан саналади.

Ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати умумий балларни эълон қилди.

**Учинчи ўрин Ҳаётхон Отабоева, иккинчи ўрин Наргиза Насирдинова, биринчи ўрин Дилдора Ортиқовага насиб этди.**

Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар тақдирланди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Танловнинг Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Сергели, Юнусобод, Яккасарой туман босқичлари ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ ҲАР БИР ЛОЙИҲАСИ, ДЕПУТАТЛАРНИНГ ҲАР БИР ТАКЛИФИ, ТАШАББУСИ ПАРТИЯ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ ЗАРУР.

# РЕКЛАМА ВА ТАБРИКЛАР

## ▪ Байрамингиз муборак бўлсин!





Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг

рейтингларини
**ТАСДИҚЛАДИ.**

Рейтинглар истиқболи:
**«Барқарор»**







**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки**

**юртимиз аҳолисини энг улуғ ва азиз айём — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги билан қутлайди,**

**шунингдек, жисмоний шахслар учун миллий валютада янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади:**

**МУСТАҚИЛЛИК КУНИГА — «ОБОД ЮРТ»**

- сақлаш муддати — 2 ой;
- омонат бўйича ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг ҳисобланган фоизларнинг капитализациясисиз тўланади;
- омонатга маблағлар, шу жумладан, қўшимча бадаллар фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади;
- омонатнинг минимал суммаси чекланмаган;
- омонатга маблағ қабул қилиш 2016 йилнинг 15 августидан 30 сентябрига қадар амалга оширилади.

**МИЛЛИЙ БАНК ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА — «NBU-25»**

- омонатни сақлаш муддати — 6 ой;
- омонат бўйича ҳисобланган фоизлар талаб қилиб олинмаган фоизларнинг капитализациясисиз ҳар ойда тўланади;
- омонатга маблағлар, шу жумладан, қўшимча бадаллар нақд пул ва нақд пулсиз кўринишида қабул қилинади;
- омонатнинг минимал суммаси чекланмаган;
- омонатга маблағ қабул қилиш 2016 йилнинг 15 августидан 15 октябрига қадар амалга оширилади.

**ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!**

**Қўшимча маълумотларни (0371) 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.**

**www.nbu.uz**

*Хизматлар лицензияланган.*


***Фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлигини оширишда оммавий ахборот воситалари, юридик ва бошқа адабиётларнинг аҳамияти катта. Шунинг учун мамлакатимизда тегишли вазирлик ва идоралар бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширяпти. Шаҳарда ёки олис туманда яшашидан қатъи назар, аҳолига ҳуқуқий ахборотларни олишда қулай имконият яратиб беριляпти.***

## Ҳуқуқий билимни ошириш — ҳаёт талаби

Барча туман ва шаҳарларда тадбиркорлар, жисмоний шахслар учун «Ягона ойна» марказлари фаолияти йўлга қўйилгани, электрон, интернет манбалар кўпайтирилаётгани, «электрон ҳукумат» тизимида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани бунинг исботидир.

Бугун ҳар бир фуқаро узоқ йўл босиб ўтмасдан, яъни уйида туриб давлат идораларига мурожаат қилиш, ўзини ўйлантираётган саволларга жавоб топиш, керак бўлса, муаммосини ҳал қилиш имконига эга бўляпти.

Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини оширишда, фуқаролар учун хилма-хил ахборотлардан фойдаланиш имкониятини яратишда даврий матбуот алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда уларда ҳуқуқий мавзулар кўламини кенгайтириш, янги рукнларни ташкил этиш ҳаётий заруратга айланмоқда. Қолаверса, корхона-ташкилотларда ҳуқуқий мавзуларда депутатлар, мутахассислар иштирокида тадбирлар ўтказишни изчил йўлга қуйиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

**Умиджон ДЖАЛИЛОВ,**
**Тошкент вилояти Зангиота тумани 5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.**


РЕКЛАМА ЎРНИДА

## СУҒУРТА ДАЪВОЛАРИ тез ва сифатли кўриб чиқилмоқда

***«KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» AJ «Anderrayting markazi» филиали бир неча йиллардан буён миллий суғурта бозорида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда.***

Компания мижозларга маслаҳат бериш ва албатта, суғурта даъволарини тезкор кўриб чиқиш ҳамда суғурта қопламасини амалга ошириш каби вазифаларни бажаради.

Суғурта даъволарини кўриб чиқиш бўлими бошлиғи Дониёр Анарбековнинг маълум қилишича, ҳозирги кунда суғурта даъволарини кўриб чиқиш муддати 8-9 кунни ташкил этади. Мониторинг кузатувлари олиб борилиши боис ушбу муддатлар бузилиши ҳолатларининг олди олиняпти.

Жорий йил ярим йиллик якунлари бўйича филиал томонидан 277 суғурта даъволари кўриб чиқилиб, жами 437,0 миллион сўм суғурта қопламалари амалга оширилган. Ҳозир бир кунда ўртача 2-3 суғурта қопламалари амалга оширилмоқда.

Суғурта қопламаларининг асосий қисми мажбурий суғурта турлари, яъни «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш» ва «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш» бўйича келиб тушган даъволарга тўғри келмоқда.

Хусусан, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш» бўйича жорий йилнинг ўтган даврида кўриб чиқилган 217 суғурта даъволари бўйича 448,5 миллион сўм суғурта қопламаси тўланган.

Бир сўз билан айтганда, суғурта шартномалари бўйича мижозлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш «KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» AЖнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади ва компания мижозларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатишда давом этади.

**Ҳожиакбар НИГМАТОВ,**
**«KAFOLAT sug`urta kompaniyasi» AJ «Anderrayting markazi» филиали раҳбари.**

*Хизматлар лицензияланган.*

## «TO'RAQO'RG'ON SHIRINLIK AGRO» МЧЖ

**хорижий корхонаси кредиторлари диққатига!**

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «To'raqo'rg'on shirinlik AGRO» хорижий корхонаси

(Манзили: Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уй, Наманган вилоят Адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 22 июлда 49-сон билан руйхатга олинган.

таъсисчиларнинг 2016 йил 23 августдаги 5-сонли йиғилиш баёни қарорига асосан Устав фонди 18 730 111 621,37 сўмдан 16 246 554 126,37 сўмгача

камайтирилишини маълум қилади.

Даъво ва эътирозлар Наманган вилояти, Тўрақўрғон шаҳри, Наманган кўчаси, 2-уйда қабул қилинади. Телефон: (0369) 442-24-80.

## «УСТЮРТ ГЕОФИЗИКА ЭКСПЕДИЦИЯСИ»

**ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Мустақиллик байрами билан бунёдкор халқимизни табриклайди. Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган барча эзгу ишларингизда муваффақият тилайди!*





**MUASSIS:**
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

**TAHRIR HAY'ATI:**
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona — 233-65-45**
**Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56**
**E-mail: info@uzbekistonovozi.uz**

**MANZILIMIZ:** 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.*

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859
8864 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:00
Topshirilgan vaqti — 22:50
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 6